Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак

# Туркистон

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1997 йил 30 апрель Чоршанба.
№ 34 (14427)

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

**Савдо, матлубот кооперацияси ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ходимлари кунини белгилаш тўғрисида**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарор қилади:**

**Июнь ойининг охирги якшанбаси Ўзбекистон Республикаси Савдо, матлубот кооперацияси ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ходимлари куни деб белгилансин.**

**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти И. КАРИМОВ**
**Тошкент шаҳри,**
**1997 йил 25 апрель**

## ЮНИСЕФ: ЁШ АВЛОД САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Ҳар қандай мамлакат тараққиёти, унинг иқтисодий, ижтимоий соҳаларда равнақ топишида, албатта, келажак авлод — болаларга бўлган муносабат асосий ўринлардан бирини эгаллайди.

Марказий Осиё минтақаси учун совет давридан қолган энг улкан мерослардан бири қуриб бораётган Орол денгизи бўлди. Айни пайтда мамлакатимиз раҳбариятининг саъй-ҳаракатлари туфайли бутун дунё ҳамжамиятининг диққат-эътибори мазкур муаммога жалб этилмоқда. Бу борада БМТнинг болалар жамғармаси — ЮНИСЕФ амалга ошираётган ишлар ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. 1946 йил БМТ Бош Ассамблеяси ташаббуси билан ташкил этилган бу жамғарма дастлаб Европа давлатлари ва Хитойда уруш асоратларидан жабр чекаётган болаларга тиббий ёрдам кўрсатиш ва озиқ-овқат таъминоти билан шуғулланган эди. Бора-бора ЮНИСЕФ бутун дунёда болалар ва оналар муҳофазаси билан шуғулланиб, уларга ғамхўрлик қилишни кучайтирди ва бу фаолиятини кенгайтирди. Шу тариқа, эзгу ишлар йўлида олиб бораётган самарали фаолияти учун ЮНИСЕФ 1965 йили Халқаро Нобел мукофоти билан тақдирланди. Ҳозир ЮНИСЕФ дунёнинг 140 мамлакатида фаолият кўрсатмоқда. XXI аср бўсағасида дунё болаларининг 34 фоизи, яъни 193 миллион гўдак ярим оч-ярим яланғоч кун кечираётган бир пайтда ЮНИСЕФнинг эзгулик йўлидаги фаолияти бизнингча, изоҳга муҳтож эмас.

ЮНИСЕФ Ўзбекистонда ўз ваколатхонасини 1994 йилда очган. Ўтган қисқа давр мобайнида ушбу нуфузли ташкилот ўтиш даврини бошдан кечираётган мамлакатимизда болалар ва оналар саломатлигини муҳофаза этишга оид дастурлар ишлаб чиқди ва ҳаётга тадбиқ эта бошлади. ЮНИСЕФ фаолиятининг асосий йўналишларидан бири - ялпи эмлаш дастури бўлиб, унда бир ёшгача бўлган гўдакларни қизамиқ, полиомиелит, бўғма, кўкйўтал, қоқшол касалликларига қарши эмлаш ишлари кўзда тутилган. Ушбу дастурга биноан, 1994-1995 йиллари Ўзбекистонга 3 миллион АҚШ доллари миқдорида болалар юқумли касалликларига қарши вакциналар келтирилди. Айни пайтда аҳолини ёппасига эмлаш натижасида кўплаб юқумли касалликларнинг олди олинмоқда.

Маълумки, бундан 200 йил аввал инглиз табиби Эдвард Женнер тиббиёт фанида инқилобий кашфиёт — вакцинани яратган эди. Бу кашфиёт инсониятни турли касалликлардан асраб қолиш мақсадида кўплаб вакциналар яратилиши ва шу тариқа юқумли касалликлар тарқалишининг олди олинишига сабаб бўлди.

ЮНИСЕФ маълумотларига кўра, ҳозирги пайтда бутун дунёда ялпи эмлаш натижасида йилига 9 миллион кишининг ҳаёти сақлаб қолинмоқда. Айнан шу эмлаш йўли билан чечак касаллигининг ривожланиши ва тарқалишига ҳам чек қўйилди. 1980 йили ер юзида 400 минг киши полиомиелит билан касалланган бўлса, 1990 йилга келиб бу кўрсатгич 90 минга тушди.Айни пайтда 2000 йилгача инсониятни полиомиелитдан мутлақ халос этиш режалаштирилмоқда.

Бундан ташқари, сайёрамизда кенг тарқалган қизамиқ хасталиги йилига 1,1 миллион инсон ҳаётига зомин бўлмоқда. Сил касаллигидан эса, 3 миллион киши қурбон бўлаётир. Йилига 2 миллион гўдак ўз вақтида эмланмагани учун ҳаётдан кўз юммоқда. Бу кўрсаткичлардан мазкур касалликларнинг нақадар даҳшатли тус олгани ва унга қарши тезкор чоралар кўрилиши бугуннинг энг муҳим вазифаларидан эканини яққол кўриш мумкин.

ЮНИСЕФ Жаҳон Соғлиқни Сақлаш ташкилоти тавсиясига биноан, Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистонда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар дастурини ишлаб чиқди. Бу тадбир жойларда камқонликка қарши кураш, инсон танасида йод танқислиги олдини олиш, аҳолининг тиббий саводхонлигини ошириш ишларини ўз ичига олади. Шунингдек, ЮНИСЕФ «ЭКОСАН» жамғармаси ҳамкорлигида Ўзбекистон учун «АСПЕРА» дастурини ҳам ишлаб чиққан. «АСПЕРА» тўрт йилга мўлжалланган дастур бўлиб, Оролбўйи ҳудудаги оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза этиш ва уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш тадбирларидан иборат.

ЮНИСЕФ маълумотларига кўра, 1980-1989 йилларда Оролбўйи ҳудудида болалар ўлими бошқа минтақалардагига нисбатан 20 фоиз ортган, аёлларнинг 90 фоизи камқонликдан изтироб чеккан. Шу боис, «АСПЕРА» дастури доирасида аҳолини эмлаш учун зарур тиббий жиҳоз ва вакциналар, болалар касаллиги тарқалишининг олдини олиш мақсадида тиббий асбоб-ускуна ва дори-дармонлар, сув тозалиги даражасини ўлчайдиган кўчма қурилмалар келтирилмоқда, мактабларда гигиена ва санитария бўйича машғулотлар ўтказилмоқда.

**Улуғбек ДАЛИЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

*ИШ БИЛГАНГА...*

## КАТТАҚЎРҒОНДА «САВОБ»ЧИЛАР БОР



Шокир Султонов Каттақурғон шаҳар ёшларининг етакчиси— «Камолот» жамғармаси шаҳар бўлимининг раиси бўлиб ишлайди. Унинг соддадиллик билан берган саволи шундай бўлди:

— Ўзи нималар ҳақида «мазза» қилиб ёзасиз-а?

Тўғриси, мен бу саволни кутмаган эдим. Лекин жавобим бор эди.

— Кўз билан кўриб, қўл билан ушласа бўладиган нарсалар ҳақида.

У кулди. Ўша кулгининг сабабини билмагандайман. У кетгач, ён дафтардаги мулоҳаза, таклиф ва амалга оширилган, бажарилаётган юмушлар ҳақида билганларимча ёзиб қўйганларимни ўқидим. Кейин билсам, уларнинг ҳар бирини кўз билан кўриш мумкин эди.

Диққатимни Шокирнинг мана бу гаплари тортди:

— Шаҳримиздаги тиббиёт билим юртида «Савоб» гуруҳи тузганмиз. Талабалар бўлажак ҳамширалар бўлганлиги сабабли улар кўмакка муҳтож ногиронларга тиббий ёрдам кўрсатишади. «Савоб»чилар шаҳримиздаги барча ногиронлар ҳақида маълумотларга эга. Мактаб ўқувчилари ҳам талабалардан ибрат олишди. Бир неча мактабда ана шундай гуруҳлар ташкил этилди,улар қарияларга кўмак беришади, ҳолидан хабар олишади.

Мана шундай хайрли ишларни кўрганда қувона оласизми?

Болаларнинг таланти, иқтидори фақат катта ёшга чиққандагина пайдо бўлмайди. Нима учун истеъдодли болакайларни боғча ёшидагилар ичидан излаш мумкин эмас? Ва шундай қилинди ҳам. Ана шу истак боис «Митти юлдузлар» танлови ўтказилиши йўлга қўйилди. Болажонлар бундан қанчалик хурсанд. Истакнинг ёнига янгиси қўшилди. Боғча тарбияланувчилари ўртасида «Камолот» жамғармаси совринни учун танлов ўтказиш йўлга қўйилди.

Ишхона, уй, ўтирадиган хонангиз шинам ва безатилган бўлса, кайфиятингизга таъсир ўтказмай қолмайди. Албатта, яхши томонга. Агар хоналар миллий ўймакорлик усулида ёки ганч билан безатилган бўлса-чи... Шаҳардаги педагогика билим юрти талабалари шартнома асосида безак ва ганчкорлик ишларини олиб боришмоқда. Улар яқинда халқ таълими бўлимининг буюртмасига кўра у ерда безак ишларини бажаришди. Бу ишга ҳам «Камолот»дагилар бош-қош бўлишди. Энди эса безакчилар излаб овора бўлишмайди. Билим юртида улар бор-да.

Шаҳарга кираверишда Каттақўрғон дарвозаси бор. Баҳор кунларидан бирида мана шу ерда мўъжазгина боғ пайдо бўлди. икки гектар чиқар-ов. Уни «Камолот» боғи деб аташди. Шокир Султонов бош, қолганлар унга ҳамроҳ. Агар бу боғдаги дарахтлар ҳосилга кирсами... Мен шу тобда тўкин боғни кўз олдимга келтира оламан.

Ажойиб халқмиз-да. Ўзбекнинг уйи ҳашар билан қад кўтаради. Тўйи қариндошлар ўртасида ҳашар билан ўтказилса, маъракаси маҳалладагилар билан ҳашар-да... Маҳаллаларда «Камолот» жамғармасининг марказлари тузилмоқда, жамоатчилик асосида. Ана шу маҳаллаларда ёшларда ҳашарчилар гуруҳи тузиш ғояси пайдо бўлди. Ёзда маҳаллаларда иш кўпаяди. Ким уй қуради, ким тўй қилади. Яна кимдир таъмирлаш ишларини мўлжаллайди. Бу юмушларнинг уддасидан чиқадиган ёшлар бўлади-да. Ҳашар гуруҳига киришга талабгарлар анчагина. Раҳбарлик яна «Камолот»дагиларнинг зиммасида.

Каттақўрғонда ҳарбий қисм ҳам жойлашган. Бу ерда аскарлар билан мактаб ўқувчиларининг учрашуви мунтазам йўлга қўйилган. Энди улар ўртасида спорт мусобақалари ўтказиш, ҳарбийлар ҳаёти билан танишиш мақсадида бу ерда тез-тез ташриф буюриш анъанага айланиб қолган.

Жамғарма қошида иккита фирма фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг асосий йўналиши тадбиркорликка йўналтирилган. «Камолот юлдузи» фирмаси қошида макарон тайёрланадиган цех ишга туширилди. Ҳозир барча тайёргарлик ишлари тугаган. Хомашё билан таъминлаш, савдони ташкил этиш бўйичи шартномалар ҳам тузилган.

Жамғарма қошида «Бизнес-тадбиркорлик» офиси бор. Бу ерда тадбиркорлар билан учрашувлар, маслаҳатлар бўлиб туради.

Бир йил ичида бундай ишларни амалга ошириш яхшиликдан нишона. Албатта, жамғарма ҳали бундан-да кўпроқ юмушларнинг уддасидан чиқа олади.

**Гули ЧЕҲРА,**
**«Туркистон»нинг ўз мухбири**

*Ўзбекистон ва жаҳон*

## ЁШЛАР МАНФААТИ

Бугун юртимиз жаҳонга юз очмоқда. Дунёнинг кўпгина мамлакатлари билан ва айниқса нуфузли халқаро ташкилотлар ўртасидаги кенг ҳамкорлик тобора яхши йўлга қўйилмоқда. Бу борада ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий Комиссиясининг ҳам ўзига хос улуши бор албатта. Космиссия 1994 йилнинг декабрь ойида ташкил этилган бўлиб, шу давр мобайнида ЮНЕСКОнинг фан, таълим, маданият, коммуникация ва ёшлар истиқболига бағишланган дастурларини Ўзбекистонда оммалашувига имкон яратмоқда. Унда юқорида номи зикр этилган ташкилотнинг фаолияти доирасини қамраб олган соҳалар бўйича бешта бўлим иш юритади. Ёшлар масаласи бўйича эса ЮНЕСКО «Келажак авлодлар» конвенциясини ҳар бир аъзо мамлакат вакиллари эътиборига ҳавола қилди. Ҳукуматимиз раҳбари томонидан ҳам мазкур конвенция нечоғли Ўзбекистон учун аҳамиятлилиги уқтириб ўтилган бўлиб, унда маданий ва тарихий ёдгорликларни асраб-авайланган ҳолда келажак авлодга етказиш, табиат муҳофазаси, ер юзида барқарорликни сақлаб қолиш каби умумбашарий ғоялар ўз аксини топган.

Миллий комиссия амалга ошираётган яна бир юмуш — ЮНЕСКОга аъзо давлатларнинг клублари, жамиятларини ташкил этишдан иборат. Шулардан бири тез орада Республика ёшларининг «Камолот» жамғармаси қошида ҳам таркиб топажак. Диёримизнинг бир неча шаҳарларида «Ўзбекистон: миллий тикланиш ва ёшлар» мавзуида семинар ўтказилиши кўзда тутилган. Айтиш мумкинки, Қарши ва Наманган шаҳарларида уюштирилган шундай анжуманлар ёшларда катта қизиқиш уйғотди. Сабаби, уларда ёшлар муаммоларига кўпроқ эътибор қаратилди.

ЮНЕСКОнинг Бирлашган мактаблар дастури бўйича дунёнинг аксарият илм даргоҳлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик ўқув дастурларини алмашиш мумкин. Комиссия бир қанча мактабларни ана шу дастурга аъзо қилишга муваффақ бўлди. Айни дамларда бу ерда мактаб ўқувчилари ва умуман ёшларнинг ёзги дам олишларини ташкил этишга асосий диққат қаратилган. Ўзбекистон ёшларининг йирик халқаро анжуманларда иштирок этишини йўлга қўйиш ҳам Миллий комиссия назаридан четда қолмади. Тез орада Манилада Ёшлар форуми бўлиб ўтади. Осиё ва Тинч Океани минтақаси мамлакатлари ёшларининг ушбу йирик анжуманида Ватанимиздан ҳам вакиллар иштирок этишади.

**Назокат УСМОНОВА**

## «ҲАВАС»

Сўнгги йилларда республикамизда теннисннинг ривожига катта эътибор берилаётганлиги сир эмас. Вилоят марказларида, йирик шаҳарларда қурилаётган ҳашаматли бинолар теннис кортларию, саройлари бир кўришда гўзаллиги билан кўзни қамаштиради. Айниқса, бу саройлар шунчаки шаҳар меъморчилигини безовчи кошонагина эмас, балки ушбу спорт тури мухлисларининг қадамжоларига айланаётгани кишини қувонтиради. Муҳими, теннисга бўлган қизиқиш ҳокимиятлар, вазирлик ва муассасалар раҳбарларида ҳам кам эмас. Ҳатто, ўзларининг «Ҳавас» совринни мавжуд. Унда барча вилоят ҳокимлари, уларнинг муовинлари, шунингдек, республика ташкилотлари раислари бош соврин учун баҳс юритишади.

Бу йилги «Ҳавас» турнирига эса 6 май куни старт берилади. Биринчи босқичда 60 киши 15 гуруҳга бўлинган ҳолда кураш олиб боришади. Гуруҳ ғолиблари эса кейинги босқичга йўлланма олишади. Мусобақа ғолиби 8 май куни аниқланади.

*Акс-садо*

## ТЎРТИНЧИ ҲОКИМИЯТ ПОЙДЕВОРИ

**Маълумки, 1997 йил инсон манфаатлари йили деб эълон қилинди. Инсон манфаатларини ҳимоя этишда ва бу борадаги муаммоларни ҳал этишда журналистлик фаолияти алоҳида аҳамият касб этади. Шундай экан, аввало журналистнинг манфаатлари алоҳида эътиборга олиниши бу йилнинг мақсадга мувофиқ ишларидан биридир.**

**«Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида» ҳамда «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида» қонун лойиҳалари жамоатчилик томонидан ўрганилиб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланиши шубҳасизки, биз журналистларнинг давлатимиз тараққиёти йўлидаги изланишларимизга кенг имконятлар йўлини очиб беради.**

**Қонунда журналистлик фаолиятга боғлиқ ҳолда юзага келадиган муносабатлар тартибга солиниб, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда ҳуқуқий ва ижтимоий кафолатлари белгиланар экан, Қонуннинг 14-моддасида айниқса таъкидлангандек, журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик қайдлари бизнинг мустаҳкам қўрғонимизни вужудга келтиради, деб ўйлайман.**

**Зеро, тўртинчи ҳокимиятнинг пойдевори мустақил давлат пойдеворининг асосий кучқудратини белгилайди.**

**М. ТОЖИМАМАТОВА**
**«Туркистон» мухбири**

*ЎЗБЕКИСТОН — КОРЕЯ: 3-1*

## ЯХШИ-А? ЛЕКИН, КОРЕЯДА...



Ўзбекистон миллий терма жамоасининг 9 май куни Яманда бошланажак «Франция томон дастлабки қадам»и яқинлашгани сари миллионлаб футбол ишқибозларининг юрагидаги ҳадик ортганидан ортиб бормоқда. Ҳар ҳолда, жаҳон чемпионати ҳазил гап эмас! Ахир, «Ўзбекистон» деган ном бу йил жаҳон чемпионати саралаш ўйинларида илк бор тилга олинди, қанийди Франция майдонларида ҳам бу ном илк бор жаранглаcа...

Биласизми, йўқми, шу йилнинг ёзида, 21июль 2 август оралиғидаги 2 ҳафта давомида Ироқда футбол бўйича жаҳон чемпионати бўлиб ўтади. Февралнинг бошларида Дамашқ шаҳрида ўтказилган қуръа натижаларига кўра, юртдошларимиз кореялик ҳамкасблари билан бир гуруҳдан жой олишганди. Куни кеча улар ўртасидаги дастлабки учрашув пойтахтнинг Марказий Ҳарбий Спорт Клуби ўйингоҳида бўлиб ўтди. Ўзбекистон қуролли кучлари терма жамоаси Кореялик рақибларини 3:1 ҳисобида доғда қолдиришди. Ўйин ҳақида батафсил гапиришдан олдин рақибларимизни таништирсам. Жамоа бош тренери Ли Конг Жоннинг маълумот беришича, улар ҳам ўз жамоасини худди биздаги каби ҳарбий клуби асосида ташкил қилишибди. Уларнинг тилида Сенг Му (таржимаси «кураш» дегани) деб аталувчи бу клуб Корея олий лигасининг дастлабки ўйинларида тўп сураётган экан. Жамоаси гарчи ўзбек футболчилари билан илк бор ўйнаётган бўлсада, жаноб Конг Жо футболимиз ҳақида кенг тасаввурга эга эканлигини ошкор этди. Нияти Хиросимадаги мағлубият аламини олиш эканлигини ҳам яширмади. Мухбирларнинг «Башоратингиз?», «Енгишингизга ишонасизми?» каби «қитмир-қитмир» саволларига эса делегация раҳбари полковник Ох Гонг Кук устамонлик билан жавоб қайтарди: «Мен Корея жамоаси вакили бўлганлигимдан албатта ўз жамоам ғалабасини хоҳлайман. Лекин имкониятимиз хоҳишимизга мос келармикин, шунисидан хавотирдаман».

«Милан», «Ювентус» ва Аргентина терма жамоаси каби йўл-йўл кийиниб чиққан футболчиларимиз ишончни оқлашди. Мухтор Қурбонов Аргентинанинг Марадонасига ўхшаб, Шуҳрат Раҳмонқулов «Милан»нинг Поборожскийси каби, Нўъмон Ҳасанов эса «Ювентус»нинг Бокшичи билан бир хил гол киритишди. Орада бир марта 13 рақамли (тасодифмикин?) Чо Жин Ҳо ҳам гол урганини айтмаса, ҳарбийларимиз анча гўзал ўйин намойиш этиб, кореялик ҳамкасбларига ўзларини кўрсатиб қўйишди.

**Авазбек БЕРДИҚУЛОВ**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашдаги улкан хизматлари ҳамда Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган демократик янгиликлар жараёнига, ижтимоий йўналишдаги бозор иқтисодиётини шакллантиришга фаол кўмаги учун Конрад Аденауэр жамғармасининг минтақавий вакили Вольфганг Шрайбер «Дўстлик» ордени билан мукофотланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Италия Республикаси Президенти Оскар Луиджи Скальфаро шу йил 2-4 май кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистон Республикасида бўлади.




Бухоро вилоятининг Туркманистон билан чегарадош Олат туманида божхона мажмуи фойдаланишга топширилди. У республикамизда ягона давлат бож сиёсатини амалга ошириш, мамлакатимиз иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, моддий ва маданий бойликларимизнинг ғайриқонуний равишда олиб чиқиб кетилишининг олдини олишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Бугун Тошкентда Киночилар уйида XII-Тошкент халқаро кинофестивалига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш юзасидан матбуот конференцияси бўлади.

БРЮССЕЛ. Бу ерда Европа Иттифоқига аъзо давлатлар ички ишлар вазирлари ва адлия вазирларининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Европа минтақасида уюшган жиноятчиликка қарши кураш масалалари муҳокама қилинди. Мажлис иштирокчилари минтақадаги давлатлар чегараларининг очиқлиги жиноий гуруҳлар фаолияти учун қўл келаётгани, уларга қарши биргаликда кураш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидладилар.

***

ВИЛЬНЮС. Литва парламенти раҳбари Витаутас Ландсбергис Туркияга келди. У Туркия Буюк Миллат мажлиси томонидан таклиф этилган бўлиб, бу ердаги ҳукумат раҳбарлари билан Литванинг НАТО ва Европа Иттифоқига аъзо бўлиши масалалари юзасидан фикр алмашади. Литва ҳукумати мазкур масалалар борасида Туркиянинг кўмагига умид боғламоқда.



Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки 1997 йил 29 апрелдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун **1 АҚШ** долларининг сўмга нисбатан қийматини **59 сўм 66 тийин** миқдорида белгилади.

